# ОНГ ВА ТАФАККУР БУЗИЛИШЛАРИ

**А.Абдуллаева**
*Психология кафедраси каттаўқитувчиси*
**Н.Тошболтаева**
*Психология кафедраси ўқитувчиси*
*Фарғона давлат университети, Ўзбекистон*

**Аннотация**: *Ушбу мақолада онг ва тафаккур ҳақида тушунчалар, онг ва тафаккур бузилишлари, онейроид синдром, дисфориялар, галлюцинациялар тўғрисида маълумотлар баён этилган.*

**Таянч сўз ва иборалар**: *онг, тафаккур, идрок, онейроид синдром, дисфория, галлюцинация.*

Abstract: *This article provides information on concepts of consciousness and thinking, disorders of consciousness and thinking, oneroid syndrome, dysphoria, hallucinations.*

Key words and phrases: *consciousness, thinking, perception, oneroid syndrome, dysphoria, hallucination.*

**Аннотация**: *В данной статье представлена информация о понятиях сознания и мышления, нарушениях сознания и мышления, онероидном синдроме, дисфории, галлюцинациях.*

**Ключевые слова и фразы**: *сознание, мышление, восприятие, онероидный синдром, дисфория, галлюцинации.*

Инсон мияси нозик, мураккаб тузилишга эга бўлган тизимдир. Айнан унинг мураккаблиги онг пайдо бўлиши мумкинлигининг асосий шартидир. Онг ўзаро алоқада бўлган турли унсурлардан ташкил топган мураккаб маънавий тузилишга эга. Онг аввало, унда акс эттириладиган объект ҳақидаги муайян билимлар ҳиссий ва рационал шаклда ўз ифодасини топади. Демак, билим онг тузилишининг асосий унсуридир. Шунинг учун ҳам билимларнинг бойиб, чуқурлашиб бориши онг ривожланишини характерлайдиган муҳим белги сифатида юзага чиқади. Онг тузилишининг яна бир унсури хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган кечинмалардир.

Инсон ўзининг тафаккури, нутқи ҳамда онгли хатти-ҳаракати билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. У фикр юритиш фаолиятида ўзида акс эттирган, идрок қилган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди, ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хулосалар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон тафаккури орқали воқеликни умумлаштириб, билвосита акс эттиради, нарса ва

ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар, муносабатлар, хусусиятларни англаб етади.

Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриш имкониятига эга. Тафаккур кўпгина фан соҳалари (фалсафа, мантиқ, жамиятшунослик, педагогика, физиология, кибернетика, биология) нинг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Психологияда тафаккур воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, ҳолатларнинг инсон учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига кўра кўргазмали ҳаракат, кўргазмали образли, амалий, назарий, ихтиёрий, ихтиёрсиз, мавҳум, ижодий ва ҳ. к. турларга ажратиб тадқиқ қилинади.

Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади.

Инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ҳам тафаккур билан узвий алоқададир. Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, таклифлар тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади.

Онг бузилиши − ҳақиқий оламнинг ташқи ва ички боғлиқлиги акс этишининг бузилиши, яъни сезги идроки ва абстракт тафаккур бузилишлари билан ифодаланади. Онгнинг хиралашиши одатда ўтиб кетувчи ҳолат бўлиб, барча руҳий касалликларда эмас, балки тезкор тиббий ёрдамга муҳтож беморларда учрайди. Делириоз синдром − онг бузилишлари фонида идрок этишнинг ёрқин бузилишлари галюцинация ва иллюзиялар пайдо бўлганда, шунингдек ваҳима ва қўрқув сифатида эмоционал бузилишлар юзага келганда онгнинг делириоз ҳолати мавжудлиги тўғрисида фикр юритилади. Беморлар идрокнинг алдамчи сезгиларига ҳаракат билан жавоб қайтарадилар. Баъзида уларда тўсатдан ҳаракат бошланади. Кўрув галюцинациясига оид, васвасали сўзлар ҳам гапирадилар. Делирияда онгнинг "мени" сақланиб қолади, лекин атроф-муҳитга улар ёлғон мўлжал оладилар, масалан, кўчада юриб, ўзини қамоқда ҳис этиш ва шу кабилар. Даврий равишда делирийда "ёруғ оралиқ" туради, яъни бунда делирий интенсивлиги камаяди ёки йўқолади. Онгнинг хиралашиши кучайганда иллюзиялар, кучайиб боради. Делириоз бузилишлар интенсивлиги кечга бориб ёки кечаси кучаяди. Онг хиралашган вақтдаги ҳаракатларни бемор умуман эслай олмайди.

Онейроид синдром − уйқудагидек, туш каби, фантастик васвасали онгнинг хиралашувидир. Бемор атрофидаги одамларнинг унга гапирган гапларига парво қилмай, ўз диққат эътиборини нарсаларнинг чегараланган доирасига жалб қилади ва бутунлай ҳосил бўлган тасаввур ҳукми остида бўлади. Бошқа ҳолларда беморнинг эси кирарли-чиқарли ҳолатда, гапдонлик устунлиги, қўрқув, ғазаб, кўрув галлюцинациялари, васваса ҳоллари билан ҳам кечиши мумкин. Бемор бу вақтда

атрофдагилар учун хавфли бўлади,чунки у шафқатсиз ҳаракатлар қилиши мумкин. Бу ҳолатнинг ўзига хослиги – бемор ўзига келгач, тўлиқ амнезия бўлади.

Дисфориялар ёки кайфиятнинг бузилиши – энг кўп учрайдиган руҳий бузилишлардан биридир. Беморлар ўзларига ёмон муносабатда эканликларидан, уларнинг шикоятларига эътибор беришмаётганидан нолийдилар, нимжон ва ҳимоясиз беморларга ғазаб билан ташланадилар, бундай тажовуз билан ташланиш кўпинча жуда ҳам шафқатсизлиги билан фарқ қилади.

Галлюцинациялар – хато идрок этиш ёки идрок этишнинг алданиши. Галлюцинацияларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, улар реал объектни идрок этмай, сезги органлари реал таъсирланмай пайдо бўлади. Галлюцинацияларнинг сезги органлари: кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билишлар, умумий сезги бўйича бўлиши қабул қилинган. Кўриш галлюцинацияларида беморлар, аниқ бир одамни, ҳайвонларни, турли–туман саҳналарни (мажлислар, мотам маросими, табиий офатлар) кўриши мумкин. Кўринаётган воқеалар бемордан маълум масофада кўриниб, унга яқинлашиши ёки узоқлашиши мумкин. Бу ҳолатларда доимо аффектив хавотирланиш, қўрқинч, алам йўлдош бўлиб, беморлар турли хилдаги қонунбузарликларни келтириб чиқарадилар, атрофдагилар учун ҳам, ўзи учун ҳам хавфли вазиятлар яратадилар.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Нишанова З., Эргашев П. Олий мактаб психологияси. - Т.: Низомий номидаги Тошкент педагогика университети нашриёти, 2008. –340-б.

2. З.Ибодуллаев Тиббиёт психологияси. Дарслик. Тошкент 2008 йил

3. Тошболтаева Нодира Иброхимжоновна //ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДА ТАФАККУРНИНГ АҲАМИЯТЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ// Международный научный журнал «Научный импульс». № 5 (100), часть 2. Декабрь, 2022. 196-199 стр.

4. O.R.Parpiyeva, Ostanaqulov A.D //SCHIZOPHRENIA DISEASE// Международный научно-практический журнал "Теория и практика современной науки" Выпуск №6 (48) – 2019. 18-21 pages.

5. O.R Parpiyeva, Ostanaqulov A.D //Thoughts that do not go away from the brain// Международный научно-практический журнал "Мировая наука". Выпуск № 6 (27) – 2019. 9-12 стр

6. Тошболтаева Нодира Иброхимжоновна //БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА ШАХСНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ// JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH VOLUME-2, ISSUE-13 (26-December). 472-475.

7. Тошболтаева Нодира Иброхимжоновна, Тошболтаев Салохиддин Хамидуллаевич //МУСТАҚИЛ ТАФАККУР ЖАРАЁНИНИ ИБН СИНО

ТАЪЛИМОТИДА ТАҲЛИЛИ// Международный научный журнал «Новости образования: исследование в XXI веке». № 6 (100), часть 2. январь, 2023 г. 114-118 стр.

8. Toshboltayeva Nodira Ibrohimjonovna //The importance of thinking in the complex process of individual activity// International conference on Studies in Humanities, Education and Sciences.January 10 th,2022. 69-70

9. Ibrokhimjonovna T.N. PERSONAL EDUCATION AS A MAIN BASIS OF SOCIETY'S DEVELOPMENT //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2021. – Т. 2. – №. 03. – С. 1-2.

10. Тошболтаева, Нодира Иброхимжоновна. "Важные аспекты упражнений в умственной деятельности психологическая интерпретация." INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION 1.5 (2020): 97-99.

11. А.Абдуллаева, Н.Тошболтаева //ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР// INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION International scientific-online conference. 23 rd January, 2023. – Canada, Ottawa. 136-140 pages.

12. Абдулаева А.Р. //ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО И МУНИЦИПАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ// Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 6. – С. 26-29.

13. Rustamovna A.A. //BO'LAJAK HARBIY KADRLARINI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA OILAVIY MUHIT TA'SIRINI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK OMILLARI// – 2022.

14. Рустамовна А.А. //СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА СЕМЕЙНОЕ ОКРУЖЕНИЕ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ// Зона конференций. – 2022. – С. 43-45.

15. Абдуллаева А. //ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ФАКТОРЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// МУАЛЛИМ ЖУРНАЛИ. 11 ЖИЛД. 2022 ЙИЛ.

16. А.Р.Абдуллаева //ОИЛАДА АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НИКОҲ МОТИВЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA 14-SON ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI 20.12.2022. 1132-1138 бетлар.

17. G'aniyeva Xalimaxon Axmatxonovna //PSYCHOLOGICAL FUNDAMENTALS OF THE SOCIAL ENVIRONMENT IN PERSONAL DEVELOPMENT// EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Volume1 Issue02, May 2021. 717-724 pages.

18. Ganieva Khalimakhon Akhmatkhonovna //PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF GENIOLOGY ASSIGNMENT IN YOUNG

PEOPLE// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) Vol. 9, Issue 12, Dec.(2021) 335-337 pages.

19. Ganieva Khalimakhon Akhmatkhonovna, Tojimamatov Jamshid //PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SUICIDAL BEHAVIOR OF MINORS// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) Vol. 9, Issue 12, Dec.(2021) 1053-1058 pages.

20. Mirzajonova E., Kiselev S. Motor sequencing training has a positive effect on sensorimotor functions in preschool children //Psychophysiology. – 2020. – т. 57. – с. s71-s71.

21. Мирзажонова Э. Т. и др. Системность социокультурной адаптации детей с особыми потребностями как условие эффективности //Актуальные вопросы современной психологии, конфликтологии и управления: взгляд молодых исследователей. – 2020. – С. 5-15.

22. Mirzajonova E., Kiselev S. Weakness of Memory in Delayed Recall Condition is Specific Deficit in Children with ADHD //Annals of Neurology. – 2020. – Т. 88. – С. S69-S69.

23. Mirzajonova E., Kiselev S. AGE-RELATED DIFFERENCES IN VISUAL OBJECT RECOGNITION IN CHILDREN //Psychophysiology. – 2020. – Т. 57. – С. S38-S38.

24. Mirzajonova E., Kiselev S. Child with hemorrhagic stroke in the right fronto-parieto-temporal area benefited from visuospatial therapy //Quality of life research. – 2020. – Т. 29. – №. SUPPL 1. – С. S189-S189.

25. Mirzajonova E., Kiselev S. Yoga training as an effective approach for improving the executive abilities in children with ADHD //Quality of life research. – 2020. – Т. 29. – №. SUPPL 1. – С. S183-S183.

26. Alimova Iroda Anvarovna, Raimova Zulfiyakhan Makhamatjonovna //EARLY INTERVENTION TECHNOLOGIES AND MEDICAL SKILLS IN CHILDREN WITH PERINATAL ENCEPHALOPATHY//*World Bulletin of Social Sciences*, *18*, 76-78.

27. Алимова Ирода Анваровна, Ахмедова Матлуба Мухаммаджоновна, Абдухалилова Гулчехра Мамировна, Пулатов Рузимухаммад //КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ, ТЕЧЕНИЕ КОРОНОВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ, ОСЛОЖНЕНИЯ И ХАРАКТЕР ПОСТКОВИДНОГО СИНДРОМА У ДЕТЕЙ Г. ФЕРГАНЫ.// Международный научный журнал «Научный импульс» № 4 (100), часть 2. Ноябрь, 2022. 61-69 стр.

28. Алимова Ирода Анваровна, Пулатов Рузимухаммад //СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СЛУЖБЫ РАННЕЙ МЕДИКО-РЕАБИЛИТАЦИОННОЙ, ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ, СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВОЙ ПОМОЩИ ДЕТЯМ СОСОБЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ// Международный научный журнал «Новости образования: исследованиев XXI веке» №4(100), часть1. ноябрь, 2022 г. 220-227 стр.

29. Алимова И.А., Райимова З.М., Бабаджанова Х.М. //АКТУАЛЬНОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОМПЛЕКСНОЙ СЛУЖБЫ РАННЕГО ВМЕШАТЕЛЬСТВА В СЕМЕЙНЫЕ ПОЛИКЛИНИКИ ДЕТЯМ РАННЕГО ВОЗРАСТА// "JOURNAL OF CLINICAL AND PREVENTIVE MEDICINE" 2022. № 2. 5-11 pages.

30. Alimova Iroda Anvarovna, Babadjanova Khursanoy Melibaevna //JUVENILE IDIOPATHIC ARTHRITIS// SCIENTIFIC JOURNAL OF RESEARCH IN MEDICINE (SJRM). Volume 1 Issue 4 October 2022. 6-8 pages.

31. Alimova Iroda Anvarovna, Raiimova Zulfiya Mahamatjonovna //Physical rehabilitation and Rehabilitation of Children with Cerebral Palsy, Organization of Psychological Services Parent Support// Texas Journal of Medical Science. 08-03-2023. 6-12 pages.

32. A.R. Abdullayeva //THE SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF THE FAMILY ON THE FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. Volume-11| Issue3| 2023. 670-674 pages.